

الْجُرُومَ، وَنَاخِ الْقَدْرَ، وَأَوْعَمَ طُهُلَ يَفْخِي الِ يَدَّالِ نَائِخِ لَأَوِ، أَلَامَ الْوَالِهَ أَنْ تُعْتَبِيَ الِ
بِدَكِّ لَأَوِ، وَأَلْخُبَّ لَأَرْكَدَوِ، «كَلَامَ وَكَلَهَ أَنْ عَكَعَ دَاخِي وَوَهُوِ الْإِسْمِي الْوُجُحِ بَصِي
مُ لِسْمُهُ أَوْرُ شَاخِ لَأَرْيَطَنَّ شَلَأَوِ

Иёз ибн Ҳимор ал-Мужошиъий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир куни ўз хутбаларида шундай дедилар:

«Огоҳ бўлинглар! Ушбу кунимда Роббим менга таълим берган нарсалардан сиз билмаган нарсани таълим беришимга амр қилди. (У Зот):

«Бандага берганим барча мол ҳалолдир. Албатта, Мен бандаларимнинг ҳаммаларини соф табиат ила халқ қилдим. Сўнг уларга шайтонлар келдилар ва уларни динларидан адаштирдилар. Улар аларга Мен ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилдилар. Уларга Мен ҳужжат нозил қилмаган нарсаларни Менга ширк келтиришга амр қилдилар» (деди).

Албатта, Аллоҳ ер аҳлига назар солди ва уларга - арабларига ҳам, ажамларига ҳам ғазаб қилди. Илло, аҳли китобдан қолган-қутганларига ғазаб қилмади.

Ва У Зот (менга):

«Мен сени синаш учун ва сен билан (бошқаларни) синаш учун юбордим. Мен сенга сув ювмайдиган, уйқудаги ҳолда ҳам, уйғоқ ҳолда ҳам ўқийдиганинг китобни нозил қилдим», деди.

Албатта, Аллоҳ менга Қурайшни ёндиришимни амр қилди. Мен У Зотга:

«Ё Роббим! Ундай бўлса, улар менинг бошимни ёриб, синган нонга ўхшатиб қўядилар», дедим.

«Улар сени чиқарганларидек, сен ҳам уларни чиқар. Уларга қарши ғазот қил, Биз сенга кўмак берамиз. Нафақа қил, Биз сенга нафақа қиламиз. Сен лашкар юбор, Биз унга беш баробарини юборамиз. Ўзингга итоат қилганлар билан сенга осий бўлганларга қарши қитол қил», деди.

У киши: «Аллоҳим, зония, бой ва ўғри учун Сенга ҳамд бўлсин», деди.

Бас, уни олиб келиниб: «Батаҳқиқ, садақанг қабул қилинди. Эҳтимол, зония у сабабли иффатли бўлиб, зинодан сақланар. Эҳтимол, бой ибрат олиб, Аллоҳ унга берган нарсадан инфоқ қилар. Шояд, ўғри унинг сабабидан ўғрилигидан қайтар», дейилди».

Икки шайх ривоят қилишган.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلٍ لَّوْصَلَّ لَلْوَسْرَ نَأْمُ هَنْعُ لَللَّيْضَرِ وَرَمَعَنْبِ هَلَلِ لَدَبَعَنْعِ
يُثِي دَحُ قُصَوِّةً نَأْمَ طَفْحِ: أَيُّ نَدَلِ نَمَكَاتِ أَمَكَيْ لَعِ الْفَكَيْفِ نُنْكَ إِذْ عَبْرَأُ: لَأَقِ
دَمَحْ أَوْر. «مُعْطِ يَفُفَعُ وَهِيَ قِيْلَخُ نُسْحَوِ»

Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар сенда тўрт нарса бўлса, дунёнинг қолганини йўқотсанг ҳам зарар қилмайди: Омонатни муҳофаза қилиш; Ростгўй бўлиш; Ҳусни хулқли бўлиш; Таомда иффатли бўлиш», дедилар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

مُكَّءَ أَبَا أَوْرَبَ: طَفَلٍ لَبِ أَعُفُوفٍ رَمَعَنْبِ ثِي دَحُ نَمِنْ سَحِ دَانَ سَابِ يَنْ أَرْبَطَلِ جَحْ أَوْ
مُكَّؤَاسِنَ فَعَتِ أَوْفَعُو; مُكَّؤَانَبِ أَمُكَّرَبَتِ

Табароний Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ҳасан санад билан марфуъ ҳолда ривоят қилган ҳадисда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ота-оналарингизга яхшилик қилинг, болаларингиз сизга яхшилик қилади. Ўзингиз иффатли бўлинг, аёлларингиз иффатли бўлади», дедилар».

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.